



Ислom Нури

Аллоҳ таоло айтади: «**Қандай яхшилик (мол) инфоқ-эхсон қилсангизлар, бас, ўзингиз учундир**» (Бақара: 272).

«...»

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳар бир киши то одамлар ўртасида ажрим қилиб бўлингунча ўзининг садақаси соясида бўлади» (Имом Аҳмад ривояти).

«...»

Адий ибн Ҳотим розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Сизлардан кимки, яримта хурмо (садақа қилиш) билан бўлса-да, дўзахдан тўсилишга қодир бўлса, шундай қилсин» (Имом Бухорий ривояти).

«...»

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ



Ислом Нури

соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Инсон вафот этгач, барча амаллари ундан узилади: фақат учта амали(дан савоб келиб туради): садақаи жориядан, фойдаланиб туриладиган илмдан ва ҳаққига дуо қилиб турадиган солиҳ фарзанддан» (Имом Муслим ривояти).

Шарх:

Аллоҳ йўлидаги садақа дўзахдан сақланиш ва қиёмат даҳшатларидан нажот топиш сабабларидан. Унинг ажри эгасининг вафотидан кейин ҳам давом этиб туради.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Садақа қиёмат кундаги даҳшатлардан нажот топишга сабаб бўлади;
2. У, гарчи оз бўлса ҳам, дўзахдан қутулишга сабабдир;
3. Унинг ажри эгасининг вафотидан кейин ҳам давом этиб туради.